

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAҲKAMASINING  
ҚАРОРИ

**358** Вазирлар Маҳкамасининг «Автомобилда хорижий юк ташувчиларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига киришлари, бўлишлари, юк олиб ўтишлари ва ундан чиқиб кетишлари тартиби тўғрисида» 1995 йил 11 январдаги 11-сон қарорига ўзгартиришлар киритиш ҳақида

Халқаро автомобилда юк ташишлар бозорини янада ривожлантириш, хорижий автомобилда юк ташувчиларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига киришлари, ундан чиқиб кетишлари ва бўлишларини назорат қилиш механизмини такомиллаштириш, Ўзбекистон Республикаси халқаро автомобиль магистралларининг сақланишини ва улардан фойдаланиш ҳолати сақлаб турилишини таъминлаш, шунингдек йирик габаритли ва оғир вазнли автотранспорт воситаларининг ўтишини тартибга солиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Автомобилда хорижий юк ташувчиларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига киришлари, бўлишлари, юк олиб ўтишлари ва ундан чиқиб кетишлари тартиби тўғрисида» 1995 йил 11 январдаги 11-сон қарорига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.И. Закиров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2012 йил 1 август,  
233-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2012 йил 1 августдаги 233-сон қарорига  
ИЛОВА

**Вазирлар Маҳкамасининг «Автомобилда хорижий юк ташувчиларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига киришлари, бўлишлари, юк олиб ўтишлари ва ундан чиқиб кетишлари тартиби тўғрисида» 1995 йил 11 январдаги 11-сон қарорига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 5-бандда:

а) биринчи хатбошидаги «автотранспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кирганлиги учун олинадиган тўлов» сўзлари «хорижий

давлатлар автотранспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудуди-га кирганлиги ҳамда транзит ўтиши учун йиғим» сўзлари билан алмаштирилсин:

б) учинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин;

«Ҳужжатларни расмийлаштириш, хорижий давлатлар автотранспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кирганлиги ҳамда транзит ўтиши учун йиғим тўланиши устидан назорат божхона органлари томонидан амалга оширилади».

2. 6-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«6. Қўйидагилар:

оғир юкли ва йирик габаритли транспорт воситаларининг автомобиль йўлларини давлат томонидан бошқариш ваколатли органлари томонидан белгиланган тартибда бериладиган махсус рухсатномасиз умумий фойдаланиладиган йўллардан юриб ўтиши;

агар икки томонлама битимларда ўзгача ҳол назарда тутилмаган бўлса, автомобилда хорижий юк ташувчилар томонидан юкларнинг учинчи мамлакатларга (мамлакатлардан) ташилиши тақиқлансин».

3. Хорижий давлатлар оғир юкли ва катта ҳажмли транспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудуди бўйлаб юриши учун тўловлар тўғрисида низомда (6-илова):

а) 2-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

б) 6-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Транспорт воситаси умумий ҳақиқий вазнининг йўл қўйиладиган вазнга нисбатан ортиқчалиги учун тўлов миқдори 1-жадвалдаги тарифларга мувофиқ белгиланади.

1-жадвал

Умумий ҳақиқий вазнининг йўл қўйиладиган вазнга нисбатан ортиқчалик миқдори, тн	Юриладиган 1 км масофа учун тариф, АҚШ доллари
0 дан 5 гача	0,02
5 дан 10 гача	0,03
10 дан 15 гача	0,06
15 дан 20 гача	0,10
20 дан 25 гача	0,15
25 дан 30 гача	0,23
30 дан 35 гача	0,33
35 дан 40 гача	0,46
40 дан 45 гача	0,63
45 дан 50 гача	0,85
50 ва ундан ортиқ	1,00

Оғир юкли транспорт воситалари автомобиль йўллари бўйлаб юриб ўтганда филдирак ўқи ҳақиқий юкмасининг йўл қўйиладиган миқдорга нисбатан ортиқчилиги учун тўлов ҳар бир ўққа ортиқча юклама учун 2-жадвалда келтирилган тарифларга мувофиқ ундирилади.

2-жадвал

<b>Филдирак ўқи ҳақиқий юкмасининг йўл қўйиладиган юклагага нисбати</b>	<b>Ҳар бир ўқнинг йўл қўйиладиган юкламадан ортиқча юклама билан юрилган масофа учун тариф, 1 км йўл учун, АҚШ доллари</b>
1,01 дан 1,05 гача	0,11
1,05 дан 1,10 гача	0,12
1,10 дан 1,15 гача	0,14
1,15 дан 1,20 гача	0,18
1,20 дан 1,25 гача	0,21
1,25 дан 1,30 гача	0,25
1,30 дан 1,35 гача	0,30
1,35 дан 1,40 гача	0,35
1,40 дан 1,45 гача	0,41
1,45 дан 1,50 гача	0,48
1,50 дан 1,55 гача	0,55
1,55 дан 1,60 гача	0,64
1,60 дан 1,65 гача	0,73
1,65 дан 1,70 гача	0,85
1,70 дан 1,75 гача	0,95
1,75 дан 1,80 гача	1,08
1,80 дан 1,85 гача	1,22
1,85 дан 1,90 гача	1,38
1,90 дан 1,95 гача	1,54
1,95 дан 2,00 гача	1,73
2,00 ва ундан ортиқ	2,00»

».